

## **Даъво муддати одил судловни таъминлашда муҳим ўрин тутади**

Маълумки, Асосий қонунимизнинг 44-моддасида "Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади", дея белгилаб қўйилган. Мазкур конституциявий меъёр фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ҳамда қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишда ғоятда муҳим ўрин тутади.

Шуни ҳам унутмаслик жоизки, ҳуқуқи бузилган шахс ўз вақтида судга мурожаат этиши, яъни умумий даъво муддатига қатъий риоя қилиши лозим.

Даъво муддати деганда, шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво кўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддат тушунилади. Даъво муддати институти фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар учун катта аҳамиятга эга. Даъво муддатининг мавжуд бўлиши фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини амалга оширишда алоҳида ўрин тутади. Айниқса, субъектнинг ўзига тегишли ҳуқуқларини амалга ошириш учун қонун ҳужжатларида муайян вақт оралиғининг белгиланиши, шахснинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига бефарқ қарамаслигини таъминлайди. Шу билан бирга, даъво муддати фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя этиш учун бериладиган имконият бўлиб, бу вақт оралиқда шахс ўз ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши ёхуд тикланишини талаб қилмаса, умумий даъво муддати ўтиб кетгани туфайли ҳуқуқларни тиклаш имкони йўқолиши ёхуд пасайиши мумкин.

Бундан ташқари даъво муддатлари судларга вужудга келган ҳуқуқий муносабатдаги мавҳум ҳолатларни аниқлашда катта ёрдам беради. Агар фуқаровий низоларни ҳал этишга даъво муддатлари (белгиланган вақт, масалан, уч йил) татбиқ этилмаса, аниқроқ айтганда, шахс 10 ёки 15 йилдан сўнг ҳам ўз ҳуқуқини талаб этса (қонунда белгиланган даъво муддатлари жорий этилмайдиган ҳуқуқлар бундан мустасно), бу, албатта, иш юзасидан ҳақиқатни аниқлашга салбий таъсир кўрсатади.

Умумий қоидага кўра, даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўлланилади. Агар жавобгар судга даъво муддати ўтиб кетганлигини билдирмаса, суд даъвогар ва жавобгар ўртасидаги

низони мазмунан кўриб чиқиш ва ҳал қилув қарори чиқариши лозим. Бунда даъво муддатининг ўтиб кетганлик ҳолати аҳамиятга эга бўлмайди. Ушбу ҳолатда тарафлар ўзаро битим тузиш пайтида улар ўртасидаги битим ёки шартномага нисбатан даъво муддати жорий қилинмаслиги тўғрисида келишувга эришсалар, бундай келишув ўз-ўзидан ҳақиқий саналмайди.

Даъво муддатини тўғри ҳисоблаш учун унинг қай вақтда тугашини белгилаш зарур. Фуқаролик кодексининг 154-моддасида белгилаб қўйилганидек, даъво муддатининг тугаши даъво қилиш ҳуқуқи вужудга келган кундан бошланади. Бундай ҳуқуқ, яъни даъво муддати шахс ўзининг ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан ўта бошлайди.

Даъво кўзғатилгунга қадар даъво муддатининг ўтиши даъвони рад қилиш учун асос бўлади. Бинобарин, даъвогар ўз ҳуқуқини мажбурий равишда амалга ошириш имкониятидан маҳрум бўлади.

Мисол учун, даъвогар Б.Жумабоева жавобгар маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежига нисбатан ишга тиклаш ва бўш юрган кунлари учун иш ҳақи ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга муурожаат этган.

Суд ишда иштирок этган томонлар ва уларнинг вакиллари тушунтиришларини, прокурорнинг фикрини тинглаб, иш материаллари билан танишиб чиқиб, даъвони рад этишни лозим, деб топди. Чунончи, даъвогар Б.Жумабоева маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи директорининг буйруғи билан ишга қабул қилинган ва иш берувчи билан ходим ўртасида номуайян муддатга, 3 ой синов муддати билан 94-сонли меҳнат шартномаси тузилган. Даъвогар Б.Жумабоева 2013 йил ноябрь ойидан бошлаб 50 ёшида енгиллатилган пенсияга чиққан.

Шундан сўнг у билан иш берувчи ўртасида 2014 йил 2 февралда меҳнат шартномаси қайта тузилган ва ушбу битим 2014 йил 10 май кунига қадар амал қилиши белгилаб қўйилган. Даъвогар Б.Жумабоева коллеж маъмуриятининг 2014 йил 5 майдаги 72-сонли буйруғи билан Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-бўлими 7-бандига асосан, эгаллаб турган вазифасидан озод қилинган. Даъвогар ушбу буйруқ нусхасини 2014 йил 14 май куни почта алоқа бўлими орқали олганини таъкидлаган ва бу ҳолат ишдаги мавжуд ҳужжатлар билан ҳам ўз тасдиғини топган.

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, даъвогар ишга тиклашга оид бир ойлик даъво муддатини ўтказиб юборган, жавобгар вакили

эса, даъво муддатини қўллашни сўраб, судга ёзма ариза билан мурожаат этган.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 270-моддасида ишга тиклашга оид низолар бўйича судга ёки меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этиш учун ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой муддат белгилаб қўйилган. Шунингдек, Олий Суд Пленумининг **"Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида"**ги қарорининг 3-бандида белгилаб қўйилганидек, судья даъво қилиш муддати ўтказиб юборилган деган асос билан даъво аризани қабул қилмасликка ҳақли эмас. Суд даъво муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган деб топса, бу муддатни тиклайди. Агар суд ишдаги ҳужжатларни ҳар томонлама текшириб, судга мурожаат қилиш муддати узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборилганлигини аниқласа, даъвони рад этади. Суд юқорида баён этилган ҳолатда ҳам ишга тиклашга оид бир ойлик даъво муддати узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборилганини инобатга олиб, ушбу даъвони қаноатлантирмасдан қолдирди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш лозимки, даъво муддати фуқаровий низоларни қонуний ва адолатли ҳал этиш, иш юзасидан ҳақиқатни аниқлаш, холисликни таъминлаш ҳамда асосли қарорлар қабул қилишда муҳим ўрин тутди.

**Абатбай АЯПОВ**, фуқаролик ишлари бўйича Чимбой туманлараро судининг раиси